



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЅЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 27-avgust • № 35 (4070)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАХРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун куйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

компаниясининг 166-йўл машина станцияси темир йўл қуриш механизми машинисти
Ғопиров Камолдин — Шахрихон туманидаги 53-мактаб интернати директори, Андижон вилояти
Эргашева Патила — Бувайда туманидаги «Патилахон» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2010 йил 24 август

Зияев Юсуп Мингабаевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Президентимиз **Ислом Каримов ташаббуси билан таъсис этилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўриктанлови ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, юрт тақдирини унинг дахлдорлик руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.**

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 26 август куни ушбу ижодий танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Давоми иккинчи саҳифада



Зияев Юсуп Мингабаевич



Ғопиров Камолдин



Эргашева Патила

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGINING ҲН ТЎҚҚИЗ ЙИЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САЅЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, ёрқин истеъдоди ва ижодий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун куйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»

Муҳаммаджон Рихсибой — Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси аъзоси, кинодраматург
Расулов Алишер Турсунбоевич — Республика эстрада-цирк колледжи ўқитувчиси, композитор

«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»

Адашев Ражаб Ҳалимович — «Ўзбекфильм» киностудияси актери
Назарбеков Озодбек Аҳмадович — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»

Калиев Тенелбай Генжебаевич — Нукус маданият ва санъат коллежи ўқитувчиси, бахши

«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

Санаев Зийдулла Файзиевич — Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактаби директори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган артист»

Алимов Самандар Чориевич — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри солисти
Абдуллаева Меҳрижон Кабирова — Наманган вилоят мусиқали драма театри вокал артисти

Аҳмедова Лола Бахтиёрна — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Зияев Абдунаби Қўчқорович — Бадий жамоалар ижодий бирлашмаси «Мақом» ансамбли созандаси

Раҳматов Меҳриддин Тождидинович — Ўзбек миллий академик драма театри актери

Узоқова Шоҳида Норматовна — Ўзбек давлат драма театри актери

Умарова Фаридахон Жўраевна — Республика ёш томошабинлар театри актери

Усмонов Рамиз Бекназарович — Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

Ҳамроева Нодира Михайловна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет артисти

Қўзиёев Тоир Аскаревич — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Сато» гуруҳи бадий раҳбари

«Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган ёшлар мураббийси»

Ортиқов Ғайрат Азизович — Камолдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, ранг-тасвирчи рассом

Омирзакова Кирмизи Жумамуратовна — Қорақалпоғистон Республикаси, Шуманай туманидаги 2-умумтаълим мактабининг математика ва информатика фани ўқитувчиси

Убайдуллаев Мирза-Улуғбек Абдуллаевич — Андижон олимпия заҳиралари спорт коллежи директорининг спорт ишлари бўйича ўринбосари

«Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган журналист»

Бузруков Аҳмаджон Аъзамхонович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информацион эшиттиришлар муҳарририяти бўлим мудири
Мамадиев Раваҳан Абдуманнонович — «Наманган ҳақиқати» газетаси катта муҳбири

Давоми иккинчи саҳифада

Юртимизда байрамлар кўп. Лекин уларнинг энг улуги, энг азизи, шубҳасиз, Истиқлол байрамидир. Биз хар йили ушбу кутлуг санага улкан тўхталар билан қадам қўямиз: янги конлар, янги йўллар очилади, шаҳар ва замонавий қишлоқлар қад кўтареди, улкан кўприклар бунёд бўлади.

Буларнинг барчаси халқимиз ва унинг фаровонлиги учун яратилмоқда. Зеро, Президентимиз қарор қилганларидек, бу йилги байрамимизнинг асосий ғояси «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!», деб аталади.

Аёнки, адабиётнинг бош қаҳрамони ҳам инсондир. Жамият эса инсонлар жамоасининг улкан бир кўриниши ҳисобланади. «Ҳамма эзгуликлар инсон учун», деган даъват не-не тузумларнинг доимий шиори бўлиб келган. Албатта, инсон деганда биз даставвал ақлли мавжудотни англаймиз. Аслида эса бу муқтарам мавжудот қандайдир мавҳум хилкат эмас. Айрим-айрим олганда хар бир одамнинг ўз феъл-атвори мавжуд. Улар халқ ё миллият шаклида уюшганларида эса умумий хусусиятлари яхлит ҳолда намоён бўла бошлайди. Бир қарашда инсониятнинг маънавияти учун кураш тушунчаси умумий шиор каби туюлса-да, аслида у хар бир шахс ёхуд хар бир халқ учун аниқ, реал мазмунга эгадир.

Бизнинг халқимиз ғоят қадимий қавмлар сирасига қиради. Унинг босиб ўтган мураккаб, машаққатли йўллари барчамизга маълум. Улуғ салоҳият, бунёдкорлик, бағрикенглик, саховат сингари фазилатлар халқимизнинг табиий ирсиятига айланган кетган. Шу билан бирга одам боласига ҳос айрим жиҳатлар бизга ҳам хоҳсир. Бахт ва бахтсизликнинг катта-кичиги бўлмайди, деган гап бор. Лекин улуг армонлар, ушалмаган орзулар доимо ураб келган. Бизнинг халқимиз учун ана шундай армон ва орзу, албатта, истиқлол эди. Ва биз унга эришдик. Шу кунларда мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллигини нишонлаб турибмиз. Қарийб йигирма йил ўтиб, Ер юзи харитасида Ўзбекистон деб аталган дахлсиз, нурафшон давлат барпо бўлди.

Хар кунимиз, хар дақиқамиз муттасил меҳнат ва изланиш билан ўтмоқда, биз

ниҳоят рўзгоримизни бутлаб, ҳеч кимникидан кам бўлмаган муҳташам жондон соҳибига айландик. Буларнинг барчаси, умуман айтганда, инсон учун, аниқроғи, халқимиз учун, ўзбекистонликлар учун яратилдики, бунинг шарафига мингмиг шукроналар айтсак арзир.

Инсон хар жиҳатдан қомил, етук бўлмоғи керак, деган ҳавас қадимдан мавжуд. Бу иборани жайдарирок изоҳласак, бўлбул ҳам чаманга муносиб

Бу қуръоний тушунча айнан истиқлол замонда ўз исботини топмоқда.

Буларнинг бари истиқлол шарофати, аниқ иқтисодий тамойиллар асосида изчиллик билан амалга ошириб келинаётган доно сийсаннинг самарасидир. Халқимизнинг маънавият даражаси ўзгариб бормоқда. Кези келди, бир ҳолатни эслайлик: ўтган даврларда, масалан, кино-театрлар олдида эртаю кеч жиққамушт бўлиб ётган ёш-яланларга

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

БУЛБУЛ ЧАМАНГА ЯРАШГАЙ

Булмоғи шарт. Мана шу олижаноб мақсадининг умумий номи маънавий қомиллик, деб аталади. Президентимиз барчамизни айнан шу мақсадга, яъни маънавий қомилликка чорламоқдалар.

Шубҳасиз, ўтган ўн тўққиз йилимизга назар ташласак, улкан бунёдкорлик, жаҳоншумул обрў-эътибор билан бир қаторда маънавият соҳасида, яъни одамлар онги, малакаси, маърифати борасида ҳам ғоят катта юксалишлар юз берганига амин бўламиз. Айтиш мумкинки, бугунги чўпон ҳам аввалги чўпон эмас. Деҳқон ҳам бошқача деҳқон. Демак, одамларимизнинг руҳияти, психологияси янги замонга мослашиб бормоқда. Энг муҳим жиҳат мана шундир.

Биз бу қиёслашларни собиқ шўролар даври ўлчовлари билан эмас, кечинага ўзимиз босиб ўтган йўлар билан солиштириб хулоса чиқармоқдамиз. Шубҳа йўқ, замондошларимиз қалби ва онгида теран эришлишлар юз бермоқда. Эслайлик: кўпчилик одамлар у даврларда боқимандалик кайфияти билан яшар, ўзи неъмат яратиб, бировларнинг қўлига қарарди. Эндилкида биз осмондан чалпақ ёғмаслигини, фақат ҳаракатдан баракат борлигини яъни англаймиз.

кузимиз тушарди. Бунга биз тенгилар барчамиз гувоҳимиз. Гоҳо трамвай-автобуслардан чўнтаги кесиб кетилган мўйсафид чоллар асабий ҳолатда тушиб келганларини кўп кўрганимиз. Машина ўғрилларини-ку айтиб ўтирмайлик. Бир қараганда булар оддий ва жўн туюлса-да, уларнинг ўтмишига айланган ҳақиқатдан ҳам улкан ижтимоий воқеадир.

Бугунги болаларимиз ҳам тамомила бошқача тоифа. Фарзандларимизда орият ҳам, тақаллуф ҳам етарли. Демакки, истиқлол даврида янги ўзбек авлоди пайдо бўла бошлайди. Бизни бениҳоя қувонтирадиган яна бир жиҳат шундан иборатки, ўн тўққиз ёшли бу авлод ўз қадимий илдишларидан асло узилган эмас. У буюк болаларининг номига ҳам, меросини ҳам яши биледи, эъзозлайди, бебаҳо тилимизни қадрлайди, рамзларимизга эҳтиром қўрсатади. Ўзининг ўзбекилигини ифтихор қилади.

Ахир, истиқлолимизнинг бош мақсади ҳам шу эди-ку!

Ўтган йиллар мобайнида Ватанимиз қиёфаси ҳавас қиларли даражада ўзгарганини бутун дунё кўриб турибди. Ҳатто йигирма йил муқаддам биз

шеърларимизда қўллаган баъзи ташбиҳлар бугунги манзараларини мадҳ этишга мувофиқ келмай қолаётди. Бир мисол: 1992 йилда мен «Туркистон болаларига» номли шеър ёзиб, унинг бир сатрида «Хароб бўлган хонадонни бутламоққа киришдик биз», деганман. Ўша йилларда бу мисралар ҳаётга мос эди. Уни баралла қўшиқ қилиб қуйлашган ҳам. Бу дуруст. Лекин ҳалиги сатрларнинг маъноси йигирма йилдан кейин — бугунги кунга у қадар тўғри келмаслигини сездим. Демак, истиқлолимизнинг ўз таракқиёт тарихи шаклланимоқда, унинг олтин босқичлари, доvonлар шонли хотираларга ҳам айлиниб бормоқда. Юқоридagi сатрларни ҳозир мен «Кутлуг, азиз юртимизни яшнатмоққа киришдик биз», дея ўзгартирсам у бугунги ҳаётимиз ҳақиқатига мувофиқ қолади. Шеърга кўз очиб юмгунча янги тўлқин бағишлайдиган замондир бу!

Асрларга татигулик кунлар, дегани балким шулдир. Уйлаб қарайлик, ер юзида элат кўп, қавм кўп. Бундай салоҳият бизга қайқанга насиб қилди. Бизнинг илдишимиз қайда? Масаланинг асл томири ушанга бориб тақалади. Албатта, бу фазилатлар халқимиз қонида азалдан мавжуд. Соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг эслайлик. Бу қудратли зот қарқичлик ҳужм сургун ўрта асрлардаёқ беповён салтанатида қатъий интизом ўрнатди. Адолатни байроқ, зарур бўлса шамшир сифатида баланд кўтарди. Ўғри, товламачи, муттаҳам, хиёнаткор, лўттибозларнинг адабини берди, юртининг гуллаб-яшнаши учун ҳавас қиларли муҳит яратди. Бу ҳақда Темури бобомизнинг ўзлари «Тузуқоти»-да «Золимларнинг тааррузли қўлларини мазлумларнинг этагидан олиб ташладим», дейдилар. Шу сабабли дунё ахли бунёдкор Соҳибқиронни шарафлаб келмоқда.

Демак, қўчатни вақтида экиш, уни тўғри парваришлаш, доимий равишда муҳофаза қилиб бориш, албатта, ўз ҳосилини берар экан. Бизнинг энг улкан ютугимиз аждоғларимизнинг ўлмас ўғитларини унутмаган ҳолда дунё халқларининг энг илгор тажрибаларидан ўрганиб, келажакки буюк Ўзбекистон деган улкан боғни бунёд этаётганимиздир.

Қўлимизда истиқлолимиз берган улуг дастур ҳамда катта тажриба мавжуд. Иморатларимиз йироқ-йироқлардан кўриниб турибди. Илму урфонимиз парвозда. Болалар туғилмоқда. Энг тансиқ неъматимиз Истиқлол билангизга куч, қўзимизга нур бағишлаб турибди.

Азамат тулпоримизнинг туғидадан ўт қанақаб, шиддат билан катта манзиллар сари бораётган эканмиш, ҳали яна қанча-қанча доvonларни босиб ўтиб, музаффар ва ғолиб бўлишимизга шак-шубҳа йўқ!

Мен учун ор эдинг, ор бўлган халқим, Мулоқ эгуликка ёр бўлган халқим. Ўзбексан, ўзбекдай қаддингни кериш, Норлар орасида нор бўлган халқим!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши биринчи саҳифада.

экондо бўйча Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Дўстлик» ордени билан

Азимов Абдуваҳид Абдуллаевич — «Моҳият» газетаси бош муҳаррири Атабоев Азаматжон Шодмонбекович — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтаъсирчи рассом Галахов Олег Викторович — Ўзбекистон академик рус драма театри актриси Фуломов Шухрат Маннопович — Тошкент давлат техника университетининг кафедра профессори Зимин Андрей Юрьевич — Бухоро вилояти, Ромитан саноат касб-хўнара коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси Мирхолиқов Раҳим-Мурод Тўхтаевич — «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уй муҳаррири Пақ Зинаида Владимировна — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси муқовалаш чеҳи матбаачиси Сайимов Салим Сайимович — Қарши санъат коллежи директори Солиқов Улғубек Шокирович — Тошкент давлат музыкали комедия (оперетта) театри овоз режиссёри Юсуфов Бағбек — Хоразм вилояти, Хазорасп туманидаги 1-ихтисослашган мактабнинг математика фани ўқитувчиси Қосимов Иброҳим Сотволдиевич — Сирдарё вилоят музыкали драма театри актриси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

Атабоев Давронбек Жуманазарович — Хоразм вилоят кўғирчоқ театри раҳбари Ботиров Зубайдулла Ворисович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри бош рассоми Бомуродов Бобур Ҳодиевич (Бобур Бомурод) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шoir Воҳидов Шухрат Хуршидович — Ўзбекистон темир йўллари маданият саройи бадий раҳбари, хонанда Мамажонов Анвар Алижоневич — Республика рассомлик коллежи ўқитувчиси, график рассом Мамадиев Абдинаби — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасининг Қашқадарё вилояти бўлими аъзоси, рангтаъсирчи рассом Мўминова Шаҳнозжон — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, чиннисоз-рассом Раҳматов Султонали Аҳмаджоневич — эркин ижодкор, бастакор Сафарова Матлуба Тиловолиевна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали Маданий-маърифий ва бадий дам олиш дастурлари бош муҳарририятини қўшма муҳаррири Ҳакимжонов Хотам Халилович — Марғилон шаҳар маданият уйи бадий раҳбари, бадий сўз устаси Хасанов Хамидулла — «Ўзбекфильм» киностудияси кинооператори

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Курбанов Равшанбек Давлатович — Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори Меньков Вадим Юрьевич — Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Юсупов Ибрагим — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри бош балетмейстери

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Зиймухамедов Садриддин Муҳидинович — Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси аъзоси, сахналаштирувчи-рассом Муҳамедов Қобилжон Гафурович — Тошкент кимё-технология институтининг Кўнгрот сода заводи қошидаги махсус сиртки бўлим декани Норматов Нодир — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, санъатшунос Равшанов Мансур Темирович — Сурхондарё вилоят музыкали драма театри бош режиссёри Рафиқов Абзал Азимович — Ўзбек давлат драма театри актриси Ҳасанов Фахриддин Салоҳович — Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти таҳририят мудири Хўжайров Бахтиёр — Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд бўлими раисининг ўринбосари, Минтақавий муаммолар комплекс илмий-тадқиқот институти директори Шарипов Сайдиоллим Акрамович — «Давлат белгиси» давлат илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош рассом-дизайнери Эгамова Зулайхо Ибрагимовна — Навоий вилояти, Навбахор туманидаги 14-мактаб директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари Юнусов Хамроқул Некбаевич — Қашқадарё вилояти, Касби тумани тиббиёт бирлашмасининг шохлиқ тиббий ёрдам бўлими бошлиғи

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

Жўраев Ихтиёр Бозорович — Республика шохлиқ тез тиббий ёрдам илмий марказининг Навоий филиали анестезиология-реанимация бўлими мудири Тощбеков Фарход Баҳромович — Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт-санитария бирлашмаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Умаров Иброҳимжон Саматович — Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг хирургия бўлими мудири

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Тўрақуллова Муқаддамжон Махмудовна — Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани тиббиёт бирлашмасининг «Ўзбекистон» қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт вақчи Усмонова Муаттар Жалилова — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоанали «Болалар ва ўсимлар» эшиттиришлари бўлими мудири

«Шухрат» медаллари билан

Абдуҳакимов Мўттихон — Республика Маънавият тарғибот марказининг Андижон вилояти Хўжабод тумани бўлими тарғиботчиси Акрамов Саидзамин Сайдамович — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси офсет босма чеҳи бошлиғи Арипова Мастура Ҳикматовна — Тошкент кимё-технология институтининг кафедра мудири Атабоев Зокиржон Жуманазарович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Республика телерадиокомпаниянинг овоз ёзиш режиссёри Ботиров Шухрат Хайруллаевич — Навоий кўнчилик коллежининг махсус фан ўқитувчиси Бақодиров Файрат Отахонович — Ўзбекистон Фанлар академияси бош илмий котиб ўринбосари, фундаментал ва амалий дастурлар бўлими бошлиғи Бенказаров Тошқул Эшонқулвич — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Жиззах вилояти бўйича муҳбири Бобоқонов Абдуҷаббор Қоравич — Сурхондарё вилояти, Сарийосё тумани маданият уйи услубчиси Бомуротов Карим Атобекович — Республика Маънавият тарғибот марказининг Бухоро вилояти Шофиркон тумани бўлими тарғиботчиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Понмарёв Александр Викторович — Сув спорти турлари республика олий спорт маҳорати мактабининг байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича мураббийи Курбанов Олимжон Исоқович — Республика олимпия заҳиралари коллежининг юнон-рум кураши бўлими бош мураббийи

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Аҳмедов Баҳодир Йўлдошбоевич — Футзал бўлими Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Каримова Евгения Сергеевна — Та-

Эътироф

Ижод бахти

Ватанимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида Президентимиз томонидан маънавиятимиз ривожига, адабиёт ва санъатимиз раванглигига кўрсатилаётган юксак эътибор ҳаммамизга илҳом, ижодий куч-ғайрат бағишламоқда. Ҳар биримиз бу гамжўрлик ва рағбатни дил-дилимизда ҳис этиб турамиз. Ҳақиқий ижод эркинлиги, мавзу ранг-баранглиги, ҳалқимизнинг фидойи меҳнати ҳали ўнлаб ажойиб китобларга, санъат асарларига мавзу бўлиши шубҳасиз. Эндиги вазиғамиз — ана шу олий эътиборга муносиб асарлар устида ғайрат-шижоат билан ишлаш! Кунин кеча биз ижодкорларга барча шарт-шароитлар муҷассам Дўрмондаги «Ижод» уйи ва замонавий поликлиниканинг туҳфа этилганидан беҳад хурсандимиз. Улуғ байрамимиз арафасида «Кўнглим китоби» сайланма асарлар тўплами учун кўрик-танлов ғолиби дега эътироф этилган кўнглимиз кўнглигиз бўлишди. Бу муқофот мени замондошларимиз ҳаётинан янги-янги асарлар ёзишга ундайди. Ижод бахти ҳеч биримизни тарқ этмасин!

Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ўзбекистон халқ шoirи, «Энг улуғ, энг азиз» танлови совриндори

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигига бағишлаб ўтказилган «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танлови ҒОЛИБЛАРИ

I. Ёзувчи ва шoirларнинг бадий асарлари бўйича

1-ўрин: Жуманиёз Жабборов, Ўзбекистон халқ шoirи — «Кўнглим китоби» сайланма асарлар тўплами учун 2-ўрин: Матназар Абдилҳакимов, Хоразм Маъмур академияси илмий ходими — «Манглик жамоли» ва «Илм сарчашмалари» китоблари учун 3-ўрин: Янгибой Қўчқоров, Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар муҷассам раиси ўринбосари — «Ун тўққизинчи дово» достони учун Рағбатлантирувчи муқофот 1. Нилуфар Умарова — Қашқадарё вилояти Қарши педагогика коллежининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси 2. Малик Эгамов — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси 2. Босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари бўйича 1-ўрин: Хусниддин Бердиев, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Маҳаллий ахборот таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари — Ижтимоий-сиёсий ва ихтисос-

дий мавзулардаги туркум мақолалари учун 2-ўрин: Жуманазар Мелиқуллов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси — Маънавий-маърифий мавзудаги мақолалари учун 3-ўрин: Хусан Темиров, «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича муҳбири — вилоятдаги иқтисодий ислохотларга ҳамда қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қурилишига бағишланган материаллари учун Рағбатлантирувчи муқофот 1. Рисликжан Махнунова — «Наманган ҳақиқати» газетасининг бўлими мудири 2. Хуршидов Рўзиев — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси матбуот бўлими инспектори 3. Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари бўйича 1-ўрин: Маруф Хасанов, УЭМТРК «Ўзбекистон» телерадиоанали Маданий-маърифий ва бадий дам олиш дастурлари бош муҳарририятининг режиссёр-оператори — «Бел-бег» фильми ҳамда «Заргар» ва «Ку-

лол» кўрсатувлари учун 2-ўрин: «Самарқанд-СТВ» телевидение ижодий уюшмаси — «Бу — mening шаҳрим» туркумидаги ижтимоий телероликлари учун 3-ўрин: Қаҳрамон Раззоқов, «Ёшлар» телерадиоанали ЁАЖ режиссёри — «Тошкент — 2200» ва «Баркамоллик сари» телероликлари учун Рағбатлантирувчи муқофот 1. «Келажак овози» ёшлар телестудияси — Лойиҳа раҳбари — Бахтиёр Тўраонов 2. Шаҳноза Махмудова — Навоий вилояти телерадиокомпаниясининг махсус муҳаррири 4. Тасвирий санъат асарлари бўйича 1-ўрин: Бахтиёр Санаев, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани бўлими раиси — Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқлар тасвирланган ва Баркамол авлод йилгига бағишланган ижодий ишлари учун 2-ўрин: Альберт Аҳмедшин, рассом — «Ўзбекистон — mening Ватаним» туркумидаги

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2010 йил 24 август

Қўшиқларда ВАТАН МАДҲИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 7 апрелда қабул қилинган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш, ватанпарварлик руҳи билан йўғрилган мазмунан теран, бадий етуқ кўшиқлар яратишни рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Бундан кўнглимизни асосий мақсад — Ватанин шарафлайдиган, юртпарварлик, фидойилик фазилатларини тараннум этадиган энг яхши кўшиқларни танлаш ва халқимизнинг маънавий мулкига айлантиришдан иборатдир. Ушбу кўрик-танловда ёши, касбу коридан қатъи назар минглаб юртдошларимиз фаол иштирок этгани қувонарлидир. Танловнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Мудоғфа, Ички ишлар вазирлиқлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси тизимидаги босқичлари юксак савияда, кўтаринки руҳда ўтказилгани бунинг ёркин далилидир. Мазкур танлов миллий музыка санъатимизини изчил ривожлантириш билан бирга шoir, бастакор, хонанда ўртасидаги ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ғоявий-бадий юксак муқофоти асарлар яратишда муҳим омил бўлмоқда. — Ватанга бўлган чексиз меҳримизни изҳор қилиш, жоноҳон Ўзбекистонимизни тараннум этиш — биз санъаткорлар учун энг шарафли бурдир, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Зулайхо Бойқонова. — Хонанда учун ҳар бир кўшиқ ўз фарзанди каби ардоқли. Бироқ Ватан ҳақида қўйламоқ, бугунги саодатли кўнглимизни, истиклолимизнинг бебаҳо неъматларини, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини тараннум этмоқ санъаткорга ўзгача шараф бағишлайди, айни чоғда масъулият юклайди.

Санъат ва маънавият байрами сифатида ўтказилган ушбу танлов ёш истеъодларни кашф этиш, уларнинг ижодини элга таништириш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини бермоқда. — Юртимизда ёшлар камолоти ва истиқболни йўлида кўрсатилаётган гамжўрлик ва эътиборга ҳавас қилса арзийди, — дейди Ўзбекистон Давлат консерваториясининг аънавий хонандлик факултети талабаси, «Нихол» муқофоти совриндори Хуршида Жўраева. — Танлов учун тақдим этилган кўшиғимда баркамол авлод келажиги йўлидаги меҳр ва эътиборни қуйга солдим. Шу табарруқ заминга, буюк аждодларимизга муносиб фарзанд бўлмоқ биз, ёшларнинг чинакам бурчимиздир. Танлов якунига кўра Жамшид Акбаров сўзи, Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ёқубов мусикаси ва ижросидаги «Ватан алёри» кўшиғи, Замиран Рўзиева шеър, Абдуқошим Исмоилов мусикаси билан Ўзбекистон халқ артисти Зулайхо Бойқонова ижросидаги «Инсон азиз» кўшиғи биринчи ўринга лойиқ топилди. Замира Рўзиева сўзи, Авазбек Маллабоев мусикаси билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Ҳакимов ижросидаги «Алломиш авлодлари», Ўзбекистон халқ шoirи Иқбол Мирзо шеър, Фарход Абдуллаев мусикаси билан «Нихол» муқофоти совриндори Хуршида Жўраева ижросидаги «Баркамол авлоднинг» кўшиғи иккинчи ўринга сазовор бўлди. Учинчи ўрин Хамид Олимжон шеър, Рустам Абдуллаев мусикаси билан хонанда Шаҳноза Отабоева ижросидаги «Ўзбекистон» кўшиғи, Охунжон Ҳакимов шеър, Мўҳсимбек Мўминов мусикаси билан хонандалар Яҳёбек ва Мўҳсимбек Мўминов ижросидаги «Юртим» кўшиғи учун берилди. Тадбирда ғолибларга диплом ва совғалар топширилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

Дўстлик учрашуви

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида юртимизга қўллаб чет эллик меҳмонлар ташриф буюрмоқда. Шундай меҳмонлардан бир гуруҳи Ўзбекистон чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданият-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида қабул қилинди. «Утган йили қишда келганимизда диёрингиз бизда чуқур тасассурот қолдирган эди, — дейди гуруҳ бошлиғи «Корея-Ўзбекистон» (Дагу шаҳри) дўстлик жамияти раиси, «Келажак таълими» форуми раҳбари Мун Син Джа. — Юртингиз ва унинг одамлари ёқиб қолгани учун кўпчилик қайта келишга иштиёқ билдиришди. Бу сафар Ўзбекистоннинг байрамона қиёфасини кўргани келдик. Қаерда бўлмайлик, бизни самимий меҳмондўстлик билан қутиб олишяпти. Халқаримизни боғлаб турувчи ришталарнинг қўллиғи ҳам ўзаро мулоқотларимиз

самарали бўлишини таъминляпти. Мамлакатларимиз ўртасида турли йўналишларда дўстона муносабатлар ўрнатилганга, айниқса, ўзбек ёшлари орасида корей тилини ўргангани истовчилар кўпайгани бизни қувонтиради. Олимлар, маданият, таълим арбоблари, тадбиркорлардан иборат гуруҳимиз номидан Ўзбекистонга ва унинг халқига тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик тилаймиз. Давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланаверсин». Кенгаш раиси, академик Саидхўрор Фуломов меҳмонларга самимий ташаккур билдириб, «Ўзбекистон» журналининг янги сони ва юртимиз ҳақидаги китобларни совға қилди. Мун Син Джа фахрий меҳмонлар китобига дил сўзларини ёзиб қолдирди.

Флора ФАХРУТДИНОВА

тасвирий санъат асарлари учун

3-ўрин: Эрик Қулманов, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси — «Осийшата Ватаним», «Она Тошкентим», «Наврўз келди», «Олтин куз» тасвирий санъат асарлари учун

Рағбатлантирувчи муқофот

1. Екатерина Иванова — Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти магистранти, Ўзбекистон Бадий академияси қошидаги Ёш ижодкорлар бирлашмаси аъзоси 2. Темир Мамадаминов — Тошкент архитектура-қурилиш институти талабаси, ёш фотосуратчи 5. Кино санъати асарлари бўйича

1-ўрин: Хилал Насимов, «Ватан» киностудияси директори — «Таҳдид» бадий филмидаги режиссёрлик иши учун

2-ўрин: Дилноза Кубаева, Ўзбек Миллий академик драма театри актриси — «Муҳаббат» ва «Хижрон» филмидаги роллари учун

3-ўрин: Хожимурод Валиев, Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли филлар киностудияси режиссёри — «Маънавий тикланиш ва юксалиш йўлида» ҳужжатли фильми учун

Рағбатлантирувчи муқофот

1. Султонмурод Мирзааҳмедов — «Ўзбекфильм» киностудияси кинооператори 2. Бахтиёр Қосимов — киноактёр

Бўлажак Журналистлар Форуми

«НТТ» телеканали ва ёшлар студияси ходимлари ҳамда олий ўқув юрталарининг иқтидорли журналист талабалари иштирок этди. Улар босма ва интернет журналистика бўйича сабоқ олдилар. Дастур давомида тингловчилар амалий билымларини ҳам синовдан ўтказдилар. Босма нашр йўналиши тингловчилари Н. Топшўлатова етакчилигида етти кун давомида узлуксиз «Bo'ston PRESS» ёшлар газетасини нашр этиб бордилар. Мазкур лойиҳа ҳам шубҳасиз жамгармининг баркамоллик сари ташланган энг муҳим, залворли қадамларидандир.

Шаҳноза НУРМАТОВА

Ҳозирги замонга келиб инсон кўксидagi муштдек юрак нафақат ижод аҳлининг, балки башариятининг ҳам меҳварига айланди. Шеърнинг асосий таҳлил объекти, ўрганадигани инсон, деймиш. Бу эса ҳар қандай эътироздан холи соҳир ҳақиқат.

Бугунги шеърнинг инсонга диққат-эътибори янада тeрaнлaшди. Эндilikдa юрaқидa кeчaeтгaн ҳис-туйғуларнинг ранглари, қувонч-сафоларнинг оҳанглари, ниматир табассум тўқинлари, ғам-аламу ўй-хаёллар шеваси, бир сўз билан айтганда, кўнгил мамлақати шеърятимизнинг қон томири бўлиб қолди.

ло, Шухрат, А.Орипов, Р.Парфи, О.Матжон, М.Али, А.Шер сингари шоирларимиз шеърятининг мағзини ташкил этади.

Ёшлар шеърятини ўзининг фалсафий тимсолли образлиги билан устозлар аёнасига камарбаста. Ватанпарварлик гояларининг бадий талқинидаги мазмун-моҳият, ижтимоий аҳамиятига кўра, истиқлол мафқурасининг маънавий асосларини мустақамлашга йўналтирилган. Чунончи:

Ҳали кўрилмаган,
Раёвон баланд-паст,
Ўтмаган йўллардан
Ўтабегаман —
дейти "Кирмизи гуллар" шеърининг лирик қаҳрамони.

Инсон туғилиб-ўсган, вояга етган муҳитнинг фарзанди. Шу боис, у ўзини бахтли қиладиган, жамиятни эса гулга буркайдиган тириклик имконларини излайди. Инсоннинг кўнгили-ю, фикрлари ўзи камол топган жамиятнинг инъикоси. Шу нуқтаи назардан, одамларни бахтли, жамиятни фаровон қилиш гоялари ёшлар шеърятининг ҳам фалсафий мундарижасини белгиламакдa. Хусусан, ҳар қандай мулк кўришишларига қарши коммиллик ҳислат-фазилятлари билан курашувчи инсонни вояга етказиш, улуғлаш гоялари ёшлар изланишларининг яна бир

ЯЛАНГҲЎШ ҚАЛАМ ДЕҲҚОНИ

Мустақиллик йилларида узоқ ва яқин даврдаги тарихий ва адабий мерос, ҳақли равишда, танқидий қайтадан ўзлаштирилмоқда. Бу — давр талаби, тараққиёт тақозоси. Жумладан, Миртемир ижодида ҳам ҳозирги кунда танқидий баҳоланадиган айрим жиҳатлар йўқ эмас, ammo унинг адабий меросида ярқирақ ва улкан истеъдод порлаб турган шеър дostonлар қанчадан-қанча! Улар адабиётимизнинг вақт ҳукмига бардошли неъматларидир.

Миртемир ижодининг белгилочви оҳанги — жўшқинлик. Шоир ибораси билан айтсак, тошқинлик. Фикр-ўйлар тошқинлиги, ҳис-туйғулар тошқинлиги! Умрбўйи мана шу тошқинлик унинг қалбида сўнмади ва шеърятига қанот бағишлади. Мана, шоирнинг Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган ўзбек ўғлини Тўйчи Эриёғитовга бағишланган мадҳиясидан бир тўртлик:

Тун кечар — келар кундан,
Мерд — бир ўлар, номард — юз...
Номин эрлик авжида
Порлагай мисли қолдуз.

Ёки ажиб кўнгили гапти, завқи билан битилган она-Ватаннинг бетакрор манзараси:

Тўрғайларнинг навосидан
Майналарнинг ўланидан
Юракларни зир титратар
Ошиқона, шўх бирам...

Бедазорлар кўшиқчиси —
Тонг саҳардан сайрашлиғи

Шу тарихи жўшқинлик шоирнинг ижтимоий-сиёсий мавзудаги шеърларида юксак ва ёрқин инсоний ҳис-туйғулар мақомидa кўринас, лирик, манзаравий шеърларида жунбушга келган завқ ва шавқ таронасига айланди.

Она-Ватан, унинг гўзаллиғи, тақдири ва тарихи — Миртемирнинг қўлига қалам тутган, борлиғига оғаш ва ҳаяжон бағишлаган етакчи мавзудир.

Элимсан, тупроғимсан,
Машғала қадимсан,
Олтин пахтазоримсан,
Тўқин-тўқин боғимсан,
Девкорлар даврасида
Мардимсан, девкоримсан —

дея севимли заминни халқ кўшиқлари оҳангидa фаҳрлиани қўйлайди Миртемир.

У она халқини она тилисиз, бу тилингни раванҳисиз тасаввур эта олмайди. Она тилимизини эса шоир қўлидаги кенг тарихий-маънавий маъноларда тасаввур этади:

Шу тупроқнинг жон ямас
тарлонлари, бургутлари,
Келинларнинг дилдошлиғи,
ёр-ёрларнинг харангидан,
Босқинларнинг бедодлиғи,
бувиларнинг ўғитлари,
Дўмбиранинг мунгодошлиғи,
дўторнинг ҳам тарангидан —
Таралган тил — она тилими.

Миртемир 20-йиллари сочма шеър шаклида ижод қилди. Шеърнинг сочма руҳи, эркинлиги шоир учун ҳисларини жилволамасдан, тиймасдан, овозини бор бўйича қўйиб сўзлашга имкон беради, албатта. Шу боисдан, ижодининг илк даврларида майдонлар рухидаги, минбарбор бундай шеърларнинг анъанасини ёзди, тўпламлар ҳам чиқарди. Аммо шеър фақат нидо, ҳайқириклардан иборат, инсоннинг бошидан ўтган воқеа-ҳодисалар, қалбидан кечирган ҳис-туйғулардан, яъни самимиятдан йироқ бўлса, китобхоналар ҳам бундай хабарномаларга лоқайд қарайдиган бўлади. Миртемир ўш даврида ўқувчилардан шу маънодаги хатларни ҳам олди ва ўзининг кейинги ижоди тўғрисида жиддий ўйлашга тўғри келди. Аста-секин у: "Шеър — воқеабанд бўлиши лозим. Ёхуд турли воқеа-ҳодисалар муносабати билан инсон кўнгилида кечган бетакрор кечинмаларни ўзида ифодалаш зарур. Шеър — тимсоллар воситасида фикрлаш, демоқдир", деган хулосага келди. Пиравардиди, унинг ижодида ўзгариш юз бера бошлди. Бу ўзгаришда шоирга халқ ижоди ва жаҳон адабиётининг бой тажрибалари мактаб бўлди.

Миртемир ижодида ўзига хос, тугилмаган шоирона тимсоллар кўрина бошлди. Вужуҳида тирик ҳаёт ва унинг ҳолатлари барқ уриб турган шеърлар ёза бошлди, масалан, мана бундай шеърларни:

Кўк юзида паға булут —
Оқ булутдан сут ёғарму ёки қут?
Паға булут — яҳши
Кўкдам элчиси,
Ҳаволарда ёмғир иси, сел иси...

Халқона қўйчанлик бой, бетакрор табиий манзаралар билан гурқираб турган бундай шеърлар Миртемирнинг янги ижодий босқичга кўтарди.

Шу масалага боғлиқ бир воқеа ҳамон қаминининг ёдида сақланиб келади. Утган асрнинг 70-йилларида газета таҳририятларида бирида адабиёт бўлимида ишлаганида бир куни Миртемир до-

натни қилиб кетди. Жаҳон шеърятининг сон-саноксиз нодир намуналарини таржима қилганлигидан ташқари, Миртемир кирғизларнинг "Манас" эпосини ва мумтоз грузин шоири Шота Руставелининг "Йулбарс терисини ёпинган пахлавон" деган шох асарини ўзбек тилига ўғирди. Албатта, ҳамкорликда. Лекин бу маҳобатли асарлар таржимасининг катта қисмини у амалга оширди. Оҳир-оқибатда, ушбу асарларнинг бошқа таржимонлар қаламига мансуб қисмлари устидан кўриш Миртемир зиммасига тушди.

Миртемир улғур рус шоири М.Ю.Лермонтовнинг "Исмоилбек" достонини, Н.А.Некрасовнинг "Русияда ким яхши яшайди?" деб аталган улғур достонини тилимизда қойилмақом қилиб жаранглатди. У Абай, Махтумқули, Бердақ, Жамбул ўланларини, қозоқлар ва кирғизларнинг бизга замондош яна қанчадан-қанча истеъдодли шоирларнинг энг яхши шеърларини халқимизга ўз таржимасида тақдим этди. Миртемир таржима қилган яна қанча-қанча хорижий адабиёт асарлари бор!


Сиймолар



ТУҒЁНЛИ ҚАЛБ ТЎЛҚИНЛАРИ

Ёшлар шеърятини кенг тушулча. Бу — илк китоби биланок ўз сўзига, кўнгили кўзига, ўзлигига эга бўлган янги номлар, ёрқин истеъдодлар, тўғма шоирлар ўзини танигани, намён ётгани демакдир. Зеро, ёшлар дегани, бу ҳамиша янги

Истиқлол ва навқирон авлод шеърятини



Ўн тўққизинчи довон

номлар. Янги истеъдодлар дегани. Ўндан ортиқ китоби чиқиб, соч-соқолига ок тушса ҳам ёшлар қаторидан ажралиб чиқа олмаётган қаламқашлар бор. Уларнинг изланишлари эса алоҳида сўбат мавзудир. Бугунги сўхбатимиз шеърини, бадий сўзини қисмат деб билган, тақдирини шеърининг азалии ва абадий қон томирига боғлаган, туташтирган истеъдодлар ҳақида, изланишларининг табиати хусусидa. Зеро, ёшлик — бу янги наҳг, янги нуқтаи назар, дунёни, олам ва одам шеваларини янгича кўра олиш малакаси, кўрсата билш маданияти, демоқдир. Бу эса, шубҳасиз, бадий-эстетик тафаккурдаги янги тамойилларга камарбасталик, ўз хиссасини қўйиш салоҳияти ҳамдир.

Кўнгили эркин башарий қадриятидир; Ватан — кўнгиллардан бошланган довон.

характерли хусусиятидир. Шу маънода, умумлаштириб айтсак, навқирон авлод шеърятининг лирик қаҳрамони кўнгили эркинлигига етишиш асосида ўз бахтининг яратишга сафарбар инсон. Айни шу фазилатлари туфайли ҳам мен Улуғбек Асрорнинг "Мен эга чикмадим тақдирларимга", "Қуз ёмғири", "Ҳаёт — етти кунлик кўнгили қўйноғи", "Қўлларинг — ямашил байроқ", Шодмон Сулаймоннинг "Ватан", "Отамга", "XIII аср. Бухоро", "Минора ухламас", "Дунё", "Гиря", Гулбахорнинг "Булут босди ёруғ осмонни", "Соғинчинг ранги", "Қуз — маънос аёл", "Шоир"... сингари шеърларини кўз-кўз қилгим келади.

...Кетаётган кўнгили меники
Остамага бошингни уриб,
Оқоқланб келаётган Вақт,
Отмаётган бу тонг — меники.
Кўзларимга чўкиб кетган умр,
Пешонамга тушаётган ажин
Сеники —

дейти Улуғбек Асрор бир шеърда. Шеър — кўнгили кўзи бўлса, шеърят — ҳаёт кўзгусидир. Шу маънода таъкидлаш жоизки, истиқлол ёш ижодкорларнинг қўли-қўлини очиб юборди. Аслида ҳам шеър сеҳри, шеър фасли қўлида тулган туйғулар баҳоридан бошланади. Юрт тупроғи гуллаб-яшнаб — дуртор чертиб қўйласа, ҳатто супрадаги ўқовлар ҳам рақсага тушиб кетади, дейиши. Ёшлар қалбидан жўшиб тошаётган манзумлар, қасидалар, дostonлар миллий мустақиллигимизнинг бадий солномасини яратишга қаратилган. Бу — навқирон авлод шеърятининг ижтимоий-эстетик салоҳиятидан, моҳиятидан дололатдир. Шеър ана шу тахлит ижтимоий ҳодисага айланиши, бадий уйғунлигини кўркам саҳифаларини яратувчи саҳисаси билан гўзалдир.

Самовий ранглarda сархуш чўмилим,
Юлдузлар маҳридан нурга кўмилим,
Муаттар кечаси ўйсиз чўзлидим,
Майсалар бағрига нурдай тўқилдим,
Юрагим жимирлаб, шивирлаб турди.

Рўқимда ойдинлик бир кўн уйғонди,
Ойдинда сайраган булбуллар тонди,
Вужуду борлигим қўлларим олда
Ёлган-да, ёлманган, ёлдинган — ёлди,
Юрагим ҳақ томон юзини бурди —

дейти шоирнинг лирик қаҳрамони "Ҳақиқат" шеърда.

Умуман, ёшлар шеърятига хос етакчи хусусиятлар бу — ёнган юрак ёлқинлари, туғёнли қалб тўқинлари, ўйга чўлган кўнгили ҳолатларининг поэтик тасдиқи. Ушбу хусусиятлар бир ўринда фикрга чўлган, тўлғонаётган кечинмаларга айланади; бошқа жойда эса, Ватан мустақиллиги учун курашган аждодлар хотиралари шаклини олади; яна бир ўринда она-юрт манзараларига уйғун кечинмалар, ўй-муҳоқадлар талқинига айланади: антиқаётган, бўғриқаётган дала-лар, қир-адирлар, вазиин торган тодаларнинг манзаралари тусини олади.

Дарҳақиқат, навқирон авлод шеърятини "йўл", "нур", "кўнгили", "дароҳат" сингари поэтик образлар истиқлол, Ватан озодлиги билан боғлиқ серкатлам маъноларни ифодалашга кўра тимсолли моҳият касб этаётди. Тўғри, бадий умумлашмаларда фалсафий теранликка, халқона ҳикматларга мойиллик азал-азалдан шеърятимизнинг устувор хусусияти бўлиб келган. Тимсолли образлилик бадий-эстетик тафаккурнинг ўзига хос мустақил кўриниши. У кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Тимсолларга, рамзларга асосланган бадий идрок ва ифода маданиятидаги фалсафий умумлашмалар теран маънодорлигига кўра шеърятимиз тарихини бёзаб келади. Ушбу фазилат А.Ҳожиёв ва М.Миртожиев мақолаларида ёритилган.


Бугунги ёшлар шеърятини қадим бир ҳикматни тасдиқлаётгандек: чунончи, бир накам шеърят жасоратдан, жасоратли фикрлардан туғилади. Ҳақиқий ўйлар, ҳуркақ фикрлар шеърнинг парвозини сузайтиради, қанотини синдиради. Бугунги ёшлар шеърятини жиҳатий ўй-хаёлларга, ўткир поэтик муҳоқадларга йўғрилгандан, аниқ туйғулар билан уйғунлигидан кўнгилини эзгулик нурлари билан равшан қилади; ўқувчини кўнгили тиради, ўйга толдиради, қалбига чўғ солади. Энг муҳими, бугунги навқирон авлод шеърятини шеърнинг маданиятимизда бетакрор, ўзига хос дадил ва теран фикрлар салоҳиятига эга шоирлар шаклланиганидан дололат беради. Бу истеъдодлар мустақиллик шарофатини, она-юрт ҳароратини, Ватан меҳр-муҳаббатини синдирган манзумаларини ҳали қўлаб яраттиридан қувонганим ортади.

Нўмон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

“ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ”

2010 йил, 3-сон

Журналнинг ушбу сонда адабиётшунослигининг назарий масалаларига бағишланган И.Солижоновнинг "Диалог қурилиши ва унинг элементлари", О.Сафаров ва Н.Сафарованинг "Ўзбек болалар ўйин фольклорини ўрганиш масалалари" таҳқиқотлари босилган. Тилшунослик муаммоларини дол дoлзаро мавзулар А.Ҳожиёв ва М.Миртожиев мақолаларида ёритилган. Журналнинг мақсуд сонда кичик илмий таҳқиқот ва ахборот мазмунлиги мақолалари ҳам кенг ўрин ажратилган. Ушбу илмий ахборотлар мавзуларига кўра турли-туман. Чунончи, Р.Абдуллоев мақоласида навоийшунослик мавзуси қаламга олинган бўлса, А.Эшонбоев таҳқиқотида Э.Э.Бертельснинг "Алишер Навоий дунёқараши доир" мақоласи таҳлил қилинган. Бир туркум мақолалар мумтоз адабиёт-



Журналларни варақлаганда

тимиз таҳқиқига (Г.Холдиева, "Навоий ижодида бағишланган илк диссертация"), И.Бекжон, "Мутрибий "Тазкирайил уш-шур"нинг таркибий тусилиши", айрим илмий ахборотлар эса халқ оғзаки ва ёзма ижоди (А.Азимова, "Қарбало воқеасига бағишланган халқ китоблари"), С.Умарқожа, "Қазикурт-Қоратой адабий мактабининг ижоди ўрганилмаган оқинлари", замонавий адабиёт масалалари, бадий талқин ва ижодий индивидуаллик, тилшунослик муаммоларини ёритишга бағишланган. Шунингдек, ушбу сонда Р.Донбировнинг "Туркча-ўзбекча "аллоқчи сўзлар" лугати"га тақризи, янги нашрларда, илмий ҳаётда доир маълумотлар, хабарлар, "Мерос" ружидa "Олтин ёруқ" асарининг давомини билан танишасиз.

ла бир туркум шеър олиб келди. Уларнинг орасида биттаси "Сирқовлигимда", деб аталарди. Менга ҳамхона бўлган журналистга бу сўзнинг қўлига олиб: "Сирқовлигимда? Хи-хи... Бунинг ким тушунади, домла? Деди. Миртемир унга бирпас ҳайрон бўлиб тикилиб турди. Кейин: "Ўзингиз қўшлқ фарзандига ўхшайсиз, бўшам. Наҳотки, халқимизнинг бу сўзини эшитмагансиз?" — деди ва давом этди: — Бетоблигимда деган маънони беради бу сўз. Сизга таслим бўлиб, шеърини "Бетоблигимда" деб атасам ҳам бўлар, лекин "Бетоблигимда" бор-йўғи фақат хабар, даракчи сўздир. "Сирқовлигимда..." эса, инсоннинг беморликдаги ҳолатини ифодалайди, унда жон бор, руҳият бор. Мана шу керак шеърга".

Бу воқеани эслашдан мақсад шуки, бетакрор рангларга бой халқ тили Миртемир ижодининг энг ҳаётбахш озуқа манбаларидан биридир.

Миртемир шеърятини оҳанглари камалакдек товланади, шундай шеърлари ва дostonлари борки, улarda инсон тақдирининг драматик ҳолатлари акс этган. Бу шеърларда оҳангнинг драматик кескинлиги яққол кўзга ташланади. Шу билан бирга, унинг бир қўп шеърларида халқона ҳазил, қувлик, самимий табассум алоҳида кўзга ташланиб туради. Айниқса, "Қоракалқоқ дафтари" туркуми шу жиҳатдан диққатга сазовордир. Туркумдаги сегви, ишқ, кўнгили эҳтирослари билан жўш уриб турган "Мен сени инжитмайман" шеърини "Мени сени инжитмайман, Ва лекин тинчитмайман" деган китмирона ҳазил оҳангидаги сатрлар билан тугалланади ва бу яқун шеърга алоҳида инсоний самимият бағишлайди.

Миртемирнинг ўнлаб шеърлари халқимизнинг севимли кўшиқларига айланган. Унинг "Яли-яли", "Бог қўча", "Бир гўзал", "Тондан ҳам чиройли" каби кўшиқлари ҳамон тилгловчиларни ўзига мафтун этади. Миртемир кўшиқ учун ёзилган шеърларини энг аъло шеър, "шеърларнинг шеър", деб таърифлар эди. Устоднинг бу фикрини бугунги кўшиқнавислар зарур ўғитдек қабул қилсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Абдулла Орипов Миртемир хотирасига шеър бағишлаб, унда устоз шоирнинг шахсиятини гоят аниқ ифодалаб, шундай деганди: "Ялангтўш, меҳнаткаш, қалам деҳқони...". Чиндан ҳам, Миртемир адабиётимизнинг ялангтўш, баҳодир вақилларидан бири, унинг азим меҳнаткаши, адабиёт майдонида яққол ўзига хос оҳангларда садо бериб турадиган, мазмун дунёси, таровати бетакрор улкан бир шеърятини кўхратиб, яшатиб кетган қалам деҳқонидир.

Унинг бу меҳнаткашлиги, ялангтўшлиги, қалам деҳқони эканлиги бадий таржимонлик соҳасида ҳам яққол кўринади.

Миртемирнинг бадий таржимонлик меҳнати ҳали адабиётшунослигимизда муносиб таҳлил ва таҳқиқ этилгани йўқ. Холбуки, бу ижодий меҳнат улкан таҳқиқотларга арзийди. Агар миқдорий маънода баҳолайдиган бўлсак, Миртемирнинг бу ўзи бадий таржима майдонида ўнлаб забардаст таржимонларга татиғулик меҳ-

Ҳа, бу чиндан ҳам маҳобатли меҳнат! Айни пайтда Миртемир таржималарининг савияси юксак санъат даражасидир. Бунинг тасаввур этиш учун ана шу катта ижодий меҳнатдан атиги бир қатрани эслайлик, яъни А.С.Пушкиннинг Миртемир таржимасидаги "Денгизга" деб номланган шеърининг бир тўртлигини ёдга олайлик:

Алвидо, зўр қудрат —
асов галаёй!
Яшин тўлқинларинг сўнг
дафъа уриб —
Кўзларинг олдида
қайнайсан чунон,
Мағрур гўзаллигинг
билан барқ уриб...

Қандай қуйма, барча сўзи ўз ўрнида мустаҳкам, бақувват, сеҳрли сатрлар. Бу сўзлар, унинг зарбали оҳангларига денгизга хос маҳобат, шилдаб, пoвнсиз куч-қудрат яққол жилоланади — бу ноёб санъат. Миртемирнинг таржималари мана шундай асл санъати билан қимматлидир.

Миртемирнинг бадий таржимонлик мактаби сабоқларидан бири шуки, таржималарига кейин бурилиб қарамайди-ган бошқа адиб ва шоирлардан фарқ қилароқ, у ўз таржималарига бoт-бoт қайтар, вақт ўтиши билан яна қўздан кечирай, қайта-қайта сайқал беради. Масалан, Н.А.Некрасовнинг "Русияда ким яхши яшайди?" достонини таржима қилиш машаққатлари тўғрисида сўзлаб, шоир шундай деган эди: "Унинг(Некрасовнинг — М.С.) асаридaги уюк номларининг ҳар бири ўзинча маълум функциялар ташийди. Шунинг учун уларни ўзимизда бoр — худди шу маънони ифодалайдиган номлар билан бердим. Бу ўқувчиларга маъқул бўлганлиги хатлардан ва тақризлардан маълум, лекин ҳамма номларни таржима қилиб улгуролмадим. Таржима биттач, редакторлар билан узоқ ишлашга тўғри келди. Масалан, "заминдор" деган сўзни тушунтириш ва ўтказиш учун қандай қийналганим, бўғилиб кетганимни эслашман".

Бугун адабиётимиз бой ва юксак маданий-эстетик босқичларга кўтарилди. Унинг бундай юксакликларга қўтарилишига Миртемирдек заҳматкаш адибларимиз жаҳон адабиётидан қилган нодир таржималарининг ўрни ва аҳамияти салмоқлидир. Ҳозирги китобхоналар ва ёш ижодкорлар мана шу бадий таҳқиқотларда туриб дунё маданиятини янада кенгроқ ва яққолроқ қўриқсалар.

Миртемирнинг адабиётдаги хизматлари Ўзбекистон ва Қоракалқоғистон халқ шоири унвонлари билан тақдирланди. Мустақиллик йиллари шоир ижодиётига катта эҳтиром кўрсатилиб, Президентимиз Исрол Қаримовнинг Фармони билан 2002 йили Миртемир хотираси "Буюк хизматлари учун" ордени билан таърифланди. Ватанимизнинг шаҳар ва туманларида унинг номи билан аталган кўчалар, мактаблар бор. Халқимиз учун Миртемир ва унинг ҳозибадор ижодий мероси ҳаммиша ардоқли бўлиб қолаверади.

Михли САФАРОВ

Бахтиёр БОБОНОВ

ЎЗБЕКИСТОН ХАРИТАСИ

Ўқитувчим Фая опага

Кўнглингиз кенг эди мисоли денгиз, Опа! Сиз сингари устоз кўрмадим; Рангин харитани ёйиб, дердингиз: "Ватан кенгликларин яхши ўрганинг!" Севардингиз, юртнинг қишлоғу шахрин, Денгизи, кўллари, дашту тоғини... Ҳатто ловуллаган саҳролар бағрин Таърифлар эдингиз жаннат боғидек! Гарчи қолдирмасдим бирор дарсингиз, Гарчи саволларга кўмиб ташлардим, — Аммо, Ўзбекистон харитасининг Асл жозибасин кейин англадим: Англадим, саноксиз чизик-нуқталар Анчайин белгилар эмаслигини, Арзимас туолган кичик нуқта ҳам Мурғак тасаввурга сизмаслигини... ..Рухланиб дилкушо сўзларингиздан Беармон сайр этдим юрт раваларин, Лол этди бир вақтлар харита узра Кўрганам, ул мовий сув ҳавзалари! Нуқтага жо бўлган чўнг шаҳарларим Намоён айлади бор виқорини; Ўрмонлар, ёбонлар, ўру жарларнинг Маҳобати тортди эътиборимни! Опа! Гоҳ шовқинлар толдиқтирганда



Тоғларга йўл олдим адирлар оғиб, Асрий чўққилларда адил турганча Чақмоқларга боқдим ҳисларим тошиб! Харсанглар пойига тик тушаётган Шаффоф шаршарага қараш ёқимли; Шамоллар, булутлар ва учаётган Сор бургут шаддати олди ақлимни! Гоҳ кўндалангига мен сузиб ўтдим Ўлжанинг тезоқар дарёларидан, Гоҳо тўққиланиб кўксимни тутдим Беҳаловат ҳамал шамолларига... Опа! Харитада ҳар водий, ҳар тоғ Эталласа ҳамки япроқдек жойини, —

ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ

Шойим ШЕРНАЗАР

МАҲАЛЛА

Маҳалла аслида азим бир дарахт, Япроқларга қиёс — аҳли фуқаро. Томири чирманган ерга бакуват, Илдизи боғланган шу замин аро.

Бунда дилга яқин ҳар битта япроқ, Ҳар битта сўқмоқнинг қадри бўлакча. Кўнгилдан жой олган ҳар битта қишлоқ, Меҳри нуждуддаги урган юракча...

Ҳар битта ўзбоси ўқилган китоб, Оқсоқол билди уни беш кўлдай. Бунда миннат бўлмас саховат, савоб, Ҳар битта эътидик ижобат бўлғай...

Тўйлари ўтмайди асло қўшинсиз, Бир ўзи ҳеч қачон қайнатмас қозон. Қизи бор хонадон қолмас совчисиз, Бу шундай маҳалла, биродар, ишон...

Бунда ҳамма бир тан, бир жон, ҳамжиҳат, Ўзга қирғайи ҳам борар ҳашарга. Ҳар битта ин бунда бўлар маслаҳат, Бирга боришади ошни ошарга...

Ҳассасан ҳам шулар — тобутни тутар, Корига ярайди энг сўнгги палла. Ғам чеккан кўннингда қўнлдан тутар, Асли шундай Ватан — бизнинг маҳалла.

Абди ПАРДА

ҲУРРИЯТ

Қизлар менга кўнглини ёрди, Кўшлар сайраб қирди дилларга. Қуёш ноёб рангларин бериб, Ўзи хайрон қолди тулларга.

Мажнунотлар сочларин ёйиб, Ноҳлар қилди тельба шамолга. Булутларнинг, эҳ, қаҳри келиб, Инглаб-инглаб кетди шимолга.

Яхшиларим дилхушлик учун Чикқанида лола овига, Кимдир Опа Ватаним тугин Қадаб кетмиш оқ ўтовига...

Комил СИНДАРОВ

ДИЛДА ИШҚИМ


Ашғор битмоқ эмасдир ҳавас, Ташвишларим ўзи менга бас, Чала шoirларга қасда-қасд, Ёзсам, куйганимдан ёзаман.

Унутганча уятин, орни, Қўлга олиб сайроқи торни, Суюнтирмоқ дардида ёрни, Ёзсам, куйганимдан ёзаман.

Юрт жамоли қилганида ром, Камолдан қалбимда ором, Қўлларимга тутганимча жом, Бахтдан нйганимдан ёзаман.

Эҳтиром-ла боқум мозийга, Мир Алишер ёш Фозийга, Бобур, Машираб ҳам Шерозийга Кўнгли куйганимдан ёзаман.

Тоғни тешар илҳом тошқини, Дилда кўнглим райҳонларини, Она халқим, Ватан ишқини Дилга туйганимдан ёзаман.



ШАМСИЯ


АНВОЙИ ОЛАМ

Шаббода рақсини томошо айлаб, Осмон чапақ чалди чақмоқ товушли. Ёмғирзор йўлакда тушиб қолибди Парку булутларнинг билдур ковуши.

Анвойи оламга боқасан мафтун, Ҳайратлар қошида анойи. Мусаффо ҳаводан тўлганда кўксинг, Ҳислар ҳам кўкларор ҳавойи...

Очиқ тан олсан, давр сурмак-чун Баҳорин таянган майсанг дилдин. Осмон қўшқларига чорлаб руҳингни Димоққа урилар Ёмғирнинг ҳиди...

Таъриф айламоққа уринмай нечоғ, Ақлимга сизмайди бундаги бойлик: Боқсам — элас-элас кўзга илашар Тоғ ён бағридаги арча ўрмони, Ошпоқ булут билан чирой талашар Кўкка ўрлаётган пахта хирмони; Узаймиш, чумоли қарвони янглиг Ҳарорат ташинган газ қувурлари, Санасам — алашиб кетмоғим аниқ, Ўлкам бағридаги маъдан турларин! Тин олмас беминнат асаларилар, Чўли-чўли сакрашади қўл балиқлари, Бирдек ризқ улашар ёшу қарига Ўсаётган фермер хўжаликлари! Анали — олмазор, анов ноқордир, Денгиздай мавжлар бугдойзорларим; Қаҳраб сирғалар таққан тоқзори Оралайман, дилдан губорим ариб! Ҳаприқаман, уфқлар товланганда ол, Ҳаприқаман, тинглаб дарё шовқини; Тоза ҳаволарда яйраган хушқол Қалдирғоч ўлани кўзгар завқини! Ўзозлагум, юртнинг ҳар гул-ғиёҳин, Чўллари, қирлари, сойликларини... Ўзозлагум, ою саҳий кўёшини, Ер ости-ер усти бойликларини! Аммо, энг аввало ўзоз этарман Энг асил бойлиги — Озодлигини, — Шу озодлик боис дилро Ватан Тополди йўқолган ўз шодлигини! Қалрнини ҳис этиб ҳар азиз онинг Сизни хотирламан бир шоғирда хос; Рухингиз шод бўлсин, Ўзбекистони Сенинни ўргатган ичқуяр устоз!



Зулфия СОЛИЕВА


ОСМОНЛАРДА ГУЛЛАДИ БУЛУТ

Осмонларда гуллади булут, Бўй чўмоқда кўкка текарлар. Лаҳза сайин юксалиб борар Юрагимда эзгу тилақлар.

Боларилар ишқи уйғонар Бодомларинг гул ширасида. Баҳорларнинг ҳислари ашар Япроқларнинг хотирасида.

Суқунатта санчилар тиглар Шамолларнинг суронларидан. Кўк ғиёҳлар лабларин намлар Муҳаббатнинг уммонлардан.

Саболарга сочман бир-бир Шайдо кўнглим райҳонларини. Юрагимда олиб юраман Қишлоғимнинг осмонларини.



Малик ЭГАМ

ТИЛИМ — ТОЛЕИМ

Тилим — толеим, Тирликда — тўқмоғимсан, Тўтиёсан, тавсанимсан, тайёримсан,

Тирнашганда — тирноғимсан, тарлонимсан, Тийраликда — турбатимсан, тупроғимсан, Танҳомдирсан, тиллодирсан, туйғун тилим, Тошкентимнинг танглайида, тургин, тилим...



АДАБИЙ УЧРАШУВ

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида юртимиз шаҳар ва қишлоқлари, маҳалла-ларда мустақилликнинг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан атоқдй шoir ва адиблар, олимлар, маънавият ва маърифат фаоллари билан учрашувлар, ижодий кечалар ўтказиш яхши анъаналарга айланиб қолди. Бундай анжуман ва учрашувларнинг асосий мавзуси халқимиз ўн тўққиз йил муқаддам эришган буюк истиқлолнинг моҳиятини тереин аниқлаш ва идрок этиш, фарзандларимизга истиқлол ғояларини сингдириш, буюк келажакни яраттишдек улуг мақсадларга ҳисса қўшиш, энг муҳими, халқимизнинг юзини ёруғ, қаддирини баланд қилган ҳурриятимизга муносабат бўлмақдир.

Яқинда шундай ижодий учрашувлардан бири Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтди. Маълумки, бу шаҳар йирик санокт корхоналари, фидойи меҳнатчилари, обод ва аҳд маҳаллалари билан машғур. Истиқлолнинг самараларини мустаҳкамлашда Олмалиқ кон-металлургия комбинати ишичи ва муҳандислари, ёшларнинг ҳам ҳиссаси катта. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шoirи Абдулла Орипов улар ҳузурда сўзга чиқаркан, корхона аҳлини яқинлаштириб келатган энг улуг ва энг азиз байрамимиз билан самийий кутлади. Олмалиқликларнинг меҳнат ютуқларини эътироф этиб, ўзининг Ватан ва истиқлол рўҳидаги шёрларидан ўқиб берди.

Ўзбекистон халқ шoirи Маҳмуд Тоир, ёзувчи Алексей Устименко, шунингдек шoirлар Рустам Мусурмон ва Ғайрат Мажиднинг кўтлов ва дил сўзлари, ўқиган шёрлари ҳам учрашув қатнашчиларига манзур бўлди.

Ўз муҳбиримиз.

Ашурали ЖўРАЕВ

ЖОНУ ЖАҲОНИМСАН, ВАТАН!

Ватан — у менинг жону таним, саждагоҳимдур, у менинг тўлин ойим, тинч-омонлигим, иззатим, шарафим, Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдир.

Фитрат



дек, Ватани асрагандек бу муқаддас сўзни мангу асрамоқ керак. Бу сўз бизнинг серқўёш еримиз, зилол сувимиз, бебахо номимиз, тўкин боғимиз, тинч ҳаётимиз. Бу сўз энди ўзимиз, ўзлгимиздир.

Мустақиллик туғайди Ўзбекистон қайта туғилди, тарихимиз тирилди, ўзлгимиз ўнгланди, Миллат сифатида яна қад ростладик.

Публицистик эссе

Буюк Амир Темурга қайтиш — ВАТАНга қайтишдир. Имом ал-Бухорийга қайтиш — ИМОНга қайтишдир. Жалолитдин Мангубердига қайтиш — БОТИРЛИКга қайтишдир. Қодирий, Чўлпон Фитратга қайтиш — ОЗОДЛИКга қайтишдир...

Бугун улкан қурилишлар, гўзал ва бетакрор ўзгаришлар майдонига айланган Тошкентга термулиб тўймайсан. Пойтахт жамолидан кўзлар камашади, диллар яйрайди, гурур ўсади.

Самарқандни кўриб Зараршондай тўлиб-тошасан. Бухоро ва Хоразмин кўриб Амудай жўшасан, Фарғона водийсини кўриб Сирдай қалқиб-қалқиб оқасан. Қорақалпоқ ва Навойи, Қашқадарё ва Сурхон диёри, Жиззах ва Сирдарё жамолини кўриб кўзларинг тўймайди, қалбларда қувонч тўққиланади. Бу улкан ўзгаришларда мустақиллик жилolari, озодлик манзаралари, хурлик ранглари ўзининг асрий ифодаларини топяпти. Бу беқиёс ўзгаришлар руҳингга руҳ, гурурингга гурур қўшади, қаддингни баланд тутиша, тенглар ичра тенг юришга ундайди, озод ва хурлигимизни ҳар лаҳзада эслатиб туради.

Маънавият — тоза бўлоқ ичган билан тўймайсан, Маънавият — улуг китоб, қўлдан сира қўймайсан.

Маънавиятли эл — ботир эл, баҳодир эл. Маънавиятли халқ — қомил халқ. Маънавиятли Ватан боқий ва энгилмасдир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Тошкентда Миллий боғ ва бу боғда буюк бобомиз Алишер Навойининг улугвор хайкали қад кўтарди. Мустақилликимизнинг ўн йиллигида эса Навойи шайрида улуг мутафаккирнинг 560 йиллиги муносабати билан яна бир улкан боғ барпо этилди. Унда Навойининг яна бир муборак хайкали қад ростлади. Улуг шoir руҳи яна шод бўлди.

Биз яна ва яна Навойига қайтаётимиз... Навойига қайтиш — ўзимизга қайтишдир. Навойига қайтиш — сўзимизга қайтишдир. Навойига қайтиш — миллатга қайтиш. Маънавиятга қайтиш — асл ўзлгимизга қайтишдир.

Маънавият боғимизнинг улкан боғбини, тафаккур дунёимизнинг пири қомили шубҳасиз Алишер Навойидир.

Мустақиллик миллатни Навойи даражасига кўтариш ва кўтарилуши учун чексиз имкониятлар берди. Навойини ўқиб-ўрганиш, Навойини билиш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Навойини тушунаган — Ватани тушунади, Навойини билган — Ватани билади, Навойини севаган — Ватани севади, Навойини ардоқлаган — Ватани қўриқлайди.

Ватанга фидо бўлади, Ватанга қалқон бўлади. Таникли олим Нажмиддин Комиллов ёзгандек: «Навойи — маънавиятимиз уммонидан. Ундан қанча қониб ичсақ, шунча юксалаемиз».

Қаддингни тик тут, Навойига интил, Мағрур мард бўл, Навойига интил, Ҳаргиз хато қилма, адашма энди, Ўз бўл, ўзбек бўл, Навойига интил...

Эй, дунёга келган гўдак, қаттиқроқ чинқир, токи сенинг чинқирингиде соғлом нафас уфуриб турсин!

Эй, бешикад кулаётган бола, қаттиқроқ кулгин, токи сенинг кулгидега соғлом қувонч барқ урсин!

Эй, той-той қилиб юрётган фарзанд, дадил юравергин, токи сенинг жажжи қадамларинг соғлиқ тисмоли бўлсин!

Эй, яйраб-яшнаб ўсаётган Барқамол авлод, бардам ва соғлом ўсавергин, токи сенинг соғлигинг юрт ва миллатинг энг катта ва бебахо бойлигига айлансин, келажак буюк давлатнинг мустаҳкам пойдевори бўлсин!

Сарбони бор қарвон асло адашмағай, йўлини йўқотмағай. Сарбони бор қарвоннинг манзили ёруғ, келажак буюк. Сарбони бор қарвонга на хавф-хатар, на тўсиқ бор.. Сарбони бор қарвоннинг изи ёркин, изи кўтлуғ. Катта йўлга чиққан катта қарвоним — Ўзбекистоним!

ШАҲРИХОНСОЙ СОҲИЛИДА

Шаҳрихонсой бўйида чарқалак тинимсиз айланади. Унинг кўзачаларидан куйилаётган сув лиммо-лим ариққа айланиб, боғу гулзорларга обиҳаёт улашади. Чарқалак қўшиғини тинглаб, шеър ёзаётган ёшлар эса ўз ашёрларининг кўнглиларга завқ улашувчи асарларга айланганини орзу қилишади. Бунинг учун ижод заҳматида қочмаслик, муттасил ўқиб-ўрганиш, чарқалакдек меҳнат қилишни касб қилиб олмоқлик тақозо этилади.

Бу туйғу, албатта, шарқираб оқаётган Шаҳрихонсой бўйидаги Мингчинор боғига йилгилан «Шаҳрихонсой мавжлари» танлови қатнашчилари учун ҳам бегона эмас. Эндиликда анъанавий тарзда ҳар йили Истиқлол байрами арафасида ўтказиб келинаётган танлов қатнашчилари дастлаб шаҳардаги муборак қадамжоларни эиэрат қилишди ва шаҳрихонлик шoir Оразий уй-музейи билан танишишди. Анжуманни Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёш ижодкорлар билан ишлаш бўйича ўринбосари, Ўзбекистон халқ шoirи Иқбол Мирзо оғиб, «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисидаги Президент фармонидан келиб чиқадиган вазифадан ва бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлади. Ўзбекистон халқ шoirи Тўлан Низом, Ёзувчилар уюшмаси Андижон ва Фарғона вилоятлари масъул котиблари Хуришда, Энахон Сиддиқова, таникли шoirлар Олимжон Холдор, Рустам Мусурмон, Зухра Алиева, Замира Рўзиева, Қобил Мирзо, ёзувчилар Наби Жалолитдин, Ҳабиб Сиддиқ адабий ҳаётдаги ўзгаришлар, ҳукуматимиз томонидан адабиётга, маънавиятга кўрсатилаётган эътибор, ёш ижодкорларга ҳам қатта адабиётга қўшилиб, маънавиятимизни бойитиши шубҳасиз.

ХАЛҚ ЭЪТИБОРИДА БЎЛИШ — УЛҚАН МАСЪУЛИЯТ

Томошабин муҳаббатини қозониш осон эмас. Ҳар бир санъаткор бу орзуга машаққатли изланишлар орқали эришади. Ўзбекистон халқ артисти Эркин КОМИЛОВ ана шундай фидойи санъаткорлардан. Санъаткор билан улғу айём арафасидаги сўхбатимиз истиқлолнинг саҳна санъати, ижодкор учун яратган кенг имкониятлари ҳусусида.

— Санъат оламига, ҳусусан, театр даргоҳига келганингизга ҳам, мана, кирқ йилдан ошди. Утган йиллар санъаткорнинг кенг маънода шаклланиши, ўзидан қониқиши учун етарлими?..

— Йўқ! Менимча, ҳеч қачон ижодкор бу сўзни тилга олмаслиги керак. Қолаверса, ўзидан, ижодидан тугал даражада қониқиш учун фақат босиб ўтилган йилларнинг ўзи кифоя эмас, назаримда. Аксарият касбдошларим каби мен ҳам кўзлаган манзилим ҳали олдинда, деб ўйлайман. Тўғри, актёр сифатида кўпгина ниятларимга эришдим. Анча йиллардан бери кинода психологик характердаги рол ижро этишни кўнглимга тугиб юрардим ва ниятат бу орзум ҳам амалга ошди. Жаҳонгир Қосимовнинг «Сув ёқалаб» филмидаги Болта Мардон образи ҳар жихатдан кўнглимдаги рол бўлди, деб айтсам бўлади. Театр масаласига келадиган бўлсак, ўзим орзу қилган деярли барча ролларни ўйнадим. Турли характердаги ҳам комик, ҳам трагик кўламдаги қаҳрамонларни ижро этишга муваффақ бўлдим. Умуман, ҳар бир театр актёри эришиши мумкин бўлган асосий мақсадларга эришдим, бироқ ҳали энг яхши образларим олдинда, деб ўйлайман.

— Юртимизнинг истиқлолга эришиши театр актёрлари учун қандай имкониятлар очди?

— Албатта, истиқлол йилларида юз берган ўзгаришлар микёсини бир неча сўз билан тасвирлаб бериш мумкин. Бир пайтлар Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат асарларини театр саҳнасида кўриш фақат орзу эди. Айнан истиқлол даврида Президентимизнинг маданиятга, санъат аҳлига эътибори ва ғамхўрлиги тавфиқли театримиш қайтадан таъмирдан чиқарилиб, жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий кўйёғач ага бўлди. Бугун театримишда актёрлар учун

ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан барча шароитлар яратилган. Телевизор, музлатгич каби оддий анжомлардан тортиб энг замонавий саҳна ускуналарига, барча-барчаси муҳайё. Эндиликда актёрларимиз олдидан биргина вазифа бор — халқ орзу-истакларига жавоб бера оладиган асарлар яратиш.

— Бугун Миллий театрнинг етакчи актёрлари ҳақида гап борганда, шубҳасиз, Эркин Комилов номини тилга олишадими?..

— Ўзинг ҳақингда фикр билдириш жуда қийин. Уйлаб кўрсан, бугун ҳаётим мана шу театрда ўтибди. Эҳтимол, шунинг учун сиз айтаётган таърифда жон бордир. Яна ким билади, дейсиз. Бу энди мутахассис ва мухлислар ҳужмига ҳавола.

— Халқ эътиборида бўлиш актёр учун бахтли ёки масъулият?

— Шубҳасиз, бу — масъулият. Халқ эътиборига тушганингиздан сўнг унинг кўнглидан жой олишни ҳам билиш керак. Халқ хотирасида мангуга қолиб, миллат тинсоголига айланиш ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Бундай бахт миллионлаб одамлар орасидан камдан-кам кишига nasib қилса керак. Шаҳсан мен учун халқ эътиборида бўлиш жуда улқан масъулият. Шунинг ўзиёқ санъаткор олдида жуда катта вазифарларни қўяди. Тинимсиз равишда изланишга, янги образ ва характерлар яратишга ҳаракат қилади. Бахтни қачон ҳис қиламан? Қачонки бирор-бир одам ижро этган ролим ҳақида илиқ фикр билдирса, мен унинг самимий эканлигига ишонсам, чинакам завқни ҳис этаман.

— Афсуски, бугун ёшларимиз орасида машҳурлик касалига чалиниб қолаётганлари ҳам бор. Томошабинлар эътирофини қозонмай туриб, ўзини юлдуз деб ҳисоблаш халқ эътиборини суиистеъмол қилишни англатади. «Қандай рол ўйнасам ҳам томошабинлар қабул қилаверар экан»


да», деб ўйлаш нотўғри. Шукрки, ҳақиқий санъатнинг фарқи борадиган одамлар кам эмас.

— Охириги пайтларда сизни театр саҳнасида кўра, кўпроқ кинода учратяпмиз.

— Кейинги вақтларда асосан комедиялар кўйилгани учунми, бундай асарларда ўйнашни ёшимга эл кўрмайман. Ўзимда жиддий психолог ролларни ижро этиш учун эҳтиёж кучли бўлгани сабабли баъзи тақлифларни рад этишга тўғри келди. Шу кунгача саҳнада икки юзга яқин ролларни ижро этдим. Балки ёшларга йўл очиб вақти келгандир... лекин умуман фаолият юритмаёйман, десам нотўғри бўлади. Айни кунларда Кўчқор Норқобил писеаси асосида Нодира Маҳмудова саҳналаштириётган «Биз ҳам одамми» спектаклидаги Жаҳрон бобо исми чўпон ролни устида ишляяман. Ижро этишни керак бўлган қаҳрамоннинг фикрлари, дунёқараши менга жуда яқин.

— Сир эмаски, мустақиллик йилларида тарихимизни тиклаш борасида кўп хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, театр саҳнасида Амир Темур, Алишер Навоий, Спитамен, Чўлпон, Усмонов Сиёмуҳаммад каби тарихий сиймоларнинг ҳаётини ёритишга алоҳида эътибор қаратилди. Шаҳсан ўзингиз қайси тарихий қаҳрамон қибдасини яратишни хоҳлардингиз?

— Очигини айтсам, Мирзо Улугбекни орзу қилардим. Бироқ ҳозир ўйлаб қарасам, илгари театримизда тарихий мавзуда бир қанча бебаҳо спектакллар саҳналаштирилган экан. Бугун биз саҳналаштиримоқчи бўлган тарихий асар, агар ўшалар даража-сида бўлмаса, менимча, бу асарларга қўл уришининг ҳождати



Учрашув

йўқ, Чунки томошабин бу спектаклларни кўраган: «Олим Хўжаев бошқача ўйнаган эди, Шуккур Бурҳонов эса бундай ижро қилган» деб ўзича баҳолаши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам томошабин ҳақ, Тарихий мавзудаги асарларни саҳналаштириш ижодий жамоадан алоҳида сасеаси асосида Нодира Маҳмудова саҳналаштириётган «Биз ҳам одамми» спектаклидаги Жаҳрон бобо исми чўпон ролни устида ишляяман. Ижро этишни керак бўлган қаҳрамоннинг фикрлари, дунёқараши менга жуда яқин.

— Улғу байрам арафасидаги тилакларингиз... — Аввало, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ҳақида икки оғиз сўз айтиб ўтмоқчиман. Кўп йиллик фаолиятингиз давомида бу газета бугун бир эътибор билан кўнглимда тарбиялаб келяпти, десам муболаға бўлмас.

Газетанинг ҳар бир сонини мунтазам кўришни борадиган бирча мухлисларни асрий орзуларимизни ўзидан жо этган кўтлуг байрам билан чин кўнглимда табиқлайман. Илоҳим, истиқлолимиз абадий бўлсин!

Азиз ИМОВУВ, Санъат институти талабаси

Мустақиллик даврида хунармандлик, тасвирий ва амалий санъат равнақи учун кенг имкониятлар яратилди. Амалий санъат усталарининг кўплаб халқаро танлов ва фестиваллардаги муваффақиятли иштироки фикримиз далилидир.

Яқинда Украинада бўлиб ўтган VI халқаро фестивал иштирокчиси, миллий бадиий сомон санъати устаси Отабек Йўлдошев билан сафар таассуротлари ҳақида сўхбатлашдик.

— Интернет орқали асарларим намуналарини кўриб, фестивалга таклиф этишди, — деб сўз бошлайди уста. — Унда дунёнинг кўплаб давлатларидан ташриф буюрган ижодкорлар ўз асарлари билан қатнашди. Ўзимча бу санъатнинг барча сирларидан хабардорман, деб ўйлардим. Фес-

тасвирий ва амалий санъат равнақи учун кенг имкониятлар яратилди. Амалий санъат усталарининг кўплаб халқаро танлов ва фестиваллардаги муваффақиятли иштироки фикримиз далилидир. Яқинда Украинада бўлиб ўтган VI халқаро фестивал иштирокчиси, миллий бадиий сомон санъати устаси Отабек Йўлдошев билан сафар таассуротлари ҳақида сўхбатлашдик.

Сопол билан сомонни уйғунлаштириш ҳолда яратган ишларим ҳам бор. Бу ҳам ўз ўрнида ижодга янгича ёндашидир. Лекин уларнинг ҳажми нисбатан каттароқ бўлгани учун фестивалга олиб боришнинг имкони бўлмади. Фестивал иштирокчи-

Хунардан — унар...

СОМОН САНЪАТИ МЎЪЖИЗАЛАРИ

тасвирий ва амалий санъат равнақи учун кенг имкониятлар яратилди. Амалий санъат усталарининг кўплаб халқаро танлов ва фестиваллардаги муваффақиятли иштироки фикримиз далилидир. Яқинда Украинада бўлиб ўтган VI халқаро фестивал иштирокчиси, миллий бадиий сомон санъати устаси Отабек Йўлдошев билан сафар таассуротлари ҳақида сўхбатлашдик.

тасвирий ва амалий санъат равнақи учун кенг имкониятлар яратилди. Амалий санъат усталарининг кўплаб халқаро танлов ва фестиваллардаги муваффақиятли иштироки фикримиз далилидир.

тасвирий ва амалий санъат равнақи учун кенг имкониятлар яратилди. Амалий санъат усталарининг кўплаб халқаро танлов ва фестиваллардаги муваффақиятли иштироки фикримиз далилидир.

тасвирий ва амалий санъат равнақи учун кенг имкониятлар яратилди. Амалий санъат усталарининг кўплаб халқаро танлов ва фестиваллардаги муваффақиятли иштироки фикримиз далилидир.

тасвирий ва амалий санъат равнақи учун кенг имкониятлар яратилди. Амалий санъат усталарининг кўплаб халқаро танлов ва фестиваллардаги муваффақиятли иштироки фикримиз далилидир.

тасвирий ва амалий санъат равнақи учун кенг имкониятлар яратилди. Амалий санъат усталарининг кўплаб халқаро танлов ва фестиваллардаги муваффақиятли иштироки фикримиз далилидир.

лари миниатюра, портрет, пейзаж, безакли панноларни кўриб хайратларини яшира олишмади.

— Кўпчилик санъатнинг сиз ишлаётган йўналишидан ҳали яхши хабардор эмас. Бу санъатни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш учун нима-ларга эътибор бериш лозим, деб ўйлайсиз.

— Юртимизда сомон санъати билан шуғулланаётганлар озчиликни ташкил этади. Фақат эшитиш ёки ўхшатишнинг ўзи камлик қилади. Кўргазмалар уюштирилса, санъат мактабларида махсус дарс соатлари жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шу тарихи, санъатга қизиқувчи болаларда сомон санъати ҳақида тўла-

роқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. — Келгусидаги режаларингиз? — Тўртта халқаро кўргазмада иштирок этишни режалаштирганман. Франция ва Американинг иккита штати ва Одесса шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро кўргазмаларга тайёргарлик кўряпман. Бу келгусида сомон санъатини халқаро майдонда кенгроқ танитиш учун имконият яратяди. Бундан ташқари, юртимизда сомон санъати музейи ташкил этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганман.

Ш.ҒИЁСИДДИНОВА сўхбатлашди

МЎЪЖИЗАЛАР МАСКАНИ ТОМОШАЛАРИ

Мустақиллик байрами арафасида «Ўзбекдавлатцирк» бирлашмасида янги мавсумнинг очилиш тадбири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон халқ артисти Тошкенбой Ёгамбердиев номидаги Тошкен давлат цирки янги мавсумнинг илк томошабинларини қарнай-сурнай садолари остида кутиб олди. Байрам дастурида сўнда йилларда саҳналаштирилган қизиқарли ва рангбаранг цирк ўйинлари намойиш этилади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Матчинов раҳбарлигида «Ўргатилган шерлар», Фурқат Қорабовнинг «Илғизга ўйинлари», Валерий Галактионовнинг «Лопинг устидаги гимнастлар», Рамиз Шагив раҳбарлигидаги «Ўргатилган экзотик ҳайвонлар», Рустам Ҳолиқазаровнинг масхарабозлик чиқишлари каттаю кичик томошабинларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Байрам цирк томошалари нафақат Тошкенда, мамлакатимизнинг турли вилоятларида ҳам намой-

иш этилади. Шу кунгача «Тошкен юлдузлари», «Шарк», «Сув устидаги цирк», «Мўъжизасиз мўъжиза», «Европа плюс...», «Зооцирк» каби кўпгина цирк-шапиталоғар республикамизнинг деярли барча вилоятларида гастрол сافарларини уюштириб, томошабинларга рангбаранг дастурларни тақдим этишди. Цирк артистлари ижросидаги ҳаво гимнастикаси, акробатика, дорбозлик, масхарабозлик, жонгёрлик, пахлавонлик ўйинлари ҳамда ўргатилган йўртқич ҳайвонларнинг чиқишлари кизгин кутиб олинди.

«Баркамол авлод йили» муносабати билан цирк жамоалари хайрия тадбирларини ҳам мунтазам уюштириб келмоқда. Ҳар бир шаҳар ва туманда ногирон ва ота-онасиз болалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилаларнинг болалари учун цирк томошалари намойиш этилди.

Байрам арафасида Ҳиндистондан Тошкенга бир гуруҳ цирк артистлари ташриф буюришди. Улар ўзларининг миллий санъати намуналарини аввал республикамиз вилоятларида, сўнг пойтахтда намойиш этишадди.

Пўлат ТОШКЕНБОВ

«САМОВИЙ МЕҲМОН» — янги анимацион филм

Еримизга тасодифий келиб қолган ўзга сайёралик меҳмон ҳақидаги хабар бугун дунё бўйлаб тарқалди. Энг кучли олимлар мавжудотни ҳушига келтириш учун кўп оғирларга беришди. Фанда мавжуд барча илмий усулларни қўллашди, лекин, барибир, натижа бўлмади. Бироқ лабораторияда хизмат қилувчи фаррош аёл кўрсатган меҳму муҳаббат ва эътибор туйғули ўзга сайёралик меҳмон жонлана бошлади.

«Ўзбекино» миллий агентлиги ва «Синема сервис» компанияси ҳамкорлигида суратта олинган «Самовий меҳмон» анимацион филмининг бош ғояси ана шу умминсоний, фалсафий ғояга асосланган. Компютер графикасида ул ўлчамли ҳажмда ишлаб чиқарилган бу мултифилм янги турдаги технологияларга асосланиб яратилган илк филм ҳисобланади. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеъри ва Усмонов Кўчқор сценарийси асосида ишланган мазкур анимацион филм кўпчиликни қизиқтириши табиий.

дан унумли фойдаланишнинг аҳамияти катта, — дейди лойиҳа муаллифи Собиржон Салимов. — Чет эл технологиялари асосида яратилган илк ишимиз бўлгани учун ҳам филм камчиликлардан холи эмас. Лекин, шунга қарамай, бу асар аввал яратилган анимациялардан фотореализмга асослангани билан фарқ қилади. Яъни, компютер графикасининг рассом фотосидан фарқли бўлган бир персонаж модели яратилиб, буйроқ бериш орқали тасвирий ҳақикатга келтириш мумкин. Натияжа-да, қолган барча қисмлар — махсус эффектлар, фон, тасвир, монтаж, турли эскизлар, ранг,

персонажлар ҳаракати компютер техникасида бажарилди. Ёшларнинг аксарияти бундай турли компютер ўйинларини аттракцион томошаларга сарфлашади. Сабаби, унда сезимли «қаҳрамон»ни ҳар хил ракурс ва бой эффектлар орқали кўра олиш имконияти мавжуд. Биз шундай техник қўлайликларга эга бўлган, ўзбек менталитетига хос умминсоний ғояга асосида янги-янги, қизиқарли филмлар яратмоқчимиз. Энг муҳими, эстетик тасвирчиликни юқори бўлган бундай филмлар жажжи томошабинларнинг тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Мақсадимиз — ёшларнинг эҳтиёжига мос, чет эл анимацион филмлари билан тенглаша оладиган янги йўналишдаги мултипликацион филмларни кўпайтириш.

Саниа МАНСУРОВА

Кўргазма залларида

«СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ»

Ўзбекистон амалий санъат музейида академик Шариф Азимовнинг «Сув келтирган азиз» деб аталган кўргазмаси очилди. Кўргазмадан сополдан ясалган, сирланган, кенг ва ингичка бўйинли, жимжимадор ва нақшинкор бандли катта-кичик шаклдаги турли анъанавий хумлардан тортиб, кўзаларга-ча ўрин олган.

Жўрақулловнинг шогирди Шариф Азимов ўттиз йиллик ижоди давомида кулолчиликда энг мураккаб ва юксак маҳоратни талаб қилувчи йўналиш — кўзагарлик соҳасида ўз истеъдодини намойён қилди.

Жаҳонгир ҚУРБОНОВ

Ш.Азимовнинг ижоди Самарқанд кулолчилик мактаби билан чамбарчас боғлиқ. Самарқанд кулолчилигида сопол одатда «йима», «қолиплаш» усулида ишланади. Геометрик шакллар «чизма» усулда берилди. Уста Самарқанд кулолчилик санъатини мукаммаллаштириб, замонавий унсурлар билан бойитди. Айниқса, «Афросиёб» ва «Қушон» каби туркум асарлар эътиборни тортади. Таниқли уста Умар



Ёшлар ижод саройида «Навқирон Ўзбекистон — 2010» анъанавий ва замонавий санъат фестивали лауреатларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Фестивал экспозициясида уч

ФЕСТИВАЛ ЯКУНЛАРИ

юздан ортиқ ёш рассом ва амалий санъат усталарининг мингдан ортиқ асарлари ўрин олган. Ҳайъат улар орасидан энг муносибларини танлаб олди.

Саодат Мирдавидова, Нигора Шарафжўжаева, Мирзакарим Акромов, Дилноза Назрул-

лаева, Анна Олтинбоева, Татьяна Фадеева, Ғайрат Иброҳимов ва Камола Икромовова фестивалнинг асосий номинациялари бўйича ғолиб деб топилдилар. Фолибларга диплом ва совғалар топширилди.

Фестивалнинг фаол иштирокчиларига Бадиий академия, «Хунарманд», «Мерос», «IJD» ва «Осиё» Ўзбекистон моделерлар уюшмалари, Миллий санъат маркази, Ёшлар ижод уйи, Тошкен фото уйи, Тасвирий санъат галереясининг рағбатлантирувчи совринлари топширилди.

САРВАРА

Журналларни варақлаганда

«Театр» журналининг навбатдаги 4-сонини Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг республикамиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган «Асрий орзулар ушалган кун» сарлавҳали бош мақола-си билан очилади.

Театршунос ва журналистлар — Т. Баяндиёвнинг «Ёшлар намойиш этди», Э.Уриновнинг «Қардош театрлар фестивали», А.Раҳимовнинг «Кувноқ ва жозибали», Э.Усмоновнинг «Театр томошабин билан тирик», З.Аҳмедовнинг «Ойдин йўли», М. Темур ва Қ.Йўлдошевнинг «Ажаб саодат эрур», Т.Қобиловнинг «Болаларга қувонч бағишлаб» мақола-лари республикамиз саҳна санъати масалаларига бағишланган. Уларда бугунги драматургия, режиссура ва ижрочилик санъати мавзуларида сўз юритилган.

Бундан ташқари, журнал саҳифаларидан ўрин олган профессор Х.Абдусаматовнинг «Миён Бузрук тадқиқот марказида», профессор М.Қодировнинг «Халқ артистининг юки оғир бўлади», профессор Ш.Юсуповнинг «Ҳофизнинг сўнгги хониши», М.Юнусовнинг «Санъатнинг сермашаққат ва нурафшон йўли», М.Комилжоновнинг «Дилқаш наволар» сингари мақолаларида Миён Бузрук, Шуккур Бурҳон, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Ҳалимжон Жўраев сингари миллий санъатимиз намояндалари ижоди ҳақида хикоя қилинади. Уйлаймики, журналнинг ушбу сонидан ўрин олган мақола ва сўхбатлар санъат мухлисларида қизиқиш уйғотади.



